

---

## ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИБ, ДАРОМАД ТОПИНГ!

Фарғона вилояти ҳоқими биринчи ўринбосари Авазбек Ўринбоев иштирокида Президентимизнинг „ 2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қарори ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов йиғилишни кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масалага тўхталди. Ҳоқим ўринбосарлари, ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари, МФЙ раислари, ҳоқим ёрдамчилари, хотин қизлар фаоли иштирокидаги йиғилишда вилоят ҳоқими биринчи ўринбосари масалани долзарблигига тўхталиб, --Қуёш панеллари ўрнатишни сиз-биз раҳбарлар ўзимиз бошлаб беришимиз керак,-деди.--Токи қўл остимиздаги ходимлар, маҳалладошлар кўрсин, билсин. Қуёш панеллари ўрнатиш билан даромад олинади. Давлат ортиқча электр энергиясини минг сўмдан сотиб олади. Қуёш панеллари ўрнатган хонадон эгалари қулайлигини сўзлаб беришди.

Ёзёвон тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати.

2023-02-28 21:38:30